

## АВТОМАШИНА ШАЙДОЛАРИ

Режага биноан улар Сергели туманидаги 7-мавзеда қаровсиз қолдирилган «Спарк» русумли автомашинанинг давлат рақамини ўғирлашди. Сўнгра, соат тунги бирларда Спутник 16-мавзеда қаровсиз қолдирилган «Матиз» русумли автомашинанинг ойнасини синдириб, ҳайдаб кетадилар. Олиб қочилган автомашинага «Спарк» автомашинасининг давлат рақамини тақиб олишди.



## ҚОНУН ТАЪҚИБИГА УЧРАДИ

З.Умаров яқин танишининг дугонаси бўлган Лола Абдиевага нисбатан жиноят иши қўзғатилганини эшитиб қолади. У бу воқеадан хабар топиб, отини қамчлашга шошилади ва гаразли мақсадлини амалга ошириш учун танишининг ҳузурига бориб, ички ишлар идорасининг тергов бўлимида яқин таниши борлигини, агар «узатса», у билан гаплашиб, дугонасининг ишини бир ёқлик қилиб беришини айтади.



## Mustaqillik huquq demakdir

# Нидош



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 3-noyabr, №44 (1033)

## Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинди



2016 йил 28 октябрь кунин Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ҳатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Наримон Маджитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғриси-

да"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш ҳамда комиссия ваколатига таллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёриштириш бўйича Республика матбу-

от марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун онлайн режимида брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов тадбир иштирокчиларини Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарликнинг бориши ҳақида хабардор қилди.

Сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига тула мувофиқ ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига асосан сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади.

/Давоми 3-бетда/

### Тадбир

## Ислоҳотларнинг мантиқий давоми

Жорий йилнинг 27 октябрь кунин Тошкент Давлат юридик университетида "Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари" мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестициялар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Тошкент вилоят ҳўжалик суди, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Республика Бош прокуратураси Олий ўқув курслари ва

бир қатор давлат органларининг вакиллари ҳамда Тошкент Давлат юридик университетининг профессор ўқитувчилари қатнашдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида маърузалар қилинди.

Мухтарам РАДЖАПОВА,  
Бош прокуратуранинг ОЎК катта ўқитувчиси

Самарқанд вилоят прокуратурасининг катта мажлис залига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мувофиқлаштирувчи кенгаши-нинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда жорий йилнинг тўққиз ойида қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг, шунингдек, диний экстремизм билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг олдини

олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда вилоят ички ишлар органлари тизимида Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ижросининг аҳоли ва кел-

гусидаги вазифалар муҳофаза қилинди.

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган даврида ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар натижасида вилоятда умумий жиноятлар сонининг камайгани, айниқса қасддан одам ўлдириш,

талончилик, босқинчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси, шунингдек, гуруҳлар томонидан, воёга етмаганлар ҳамда аёллар томонидан содир этилган жиноятлар камайганлиги таъкидлаб ўтилди.

Муҳофама қилинган масалалар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва масъул идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланиб, камчиликларни бартараф этиш ва соҳада фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

## ТАЙИНЛОВ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2016 йил 27 октябрдаги қарорига асосан Таджиев Эркабай Аминович Қорақалпоғистон Республикаси прокурори лавозимига тайинланди.



Э.Таджиев 1975 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1996 йилда Қорақалпоқ Давлат университетини тамомлаган. У фаолиятини Нукус шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчиликдан бошлаб, Нукус шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, шаҳар прокуратураси терговчиси лавозимларида меҳнат қилди. 1999 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бошқарма прокурори, бошқарма катта прокурори бўлиб ишлади. 2005 йилдан Тошкент вилоят прокуратурасида бўлим бошлиғи, 2009 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош шаҳар прокурори, 2010 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бошқарма бошлиғи ўринбосари, 2012 йилдан эса бошқарма бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борди. 2014 йилдан шу пайтгача Тошкент вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган.

### Парламентда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар.

## Аҳоли бандлиги дастури

Мазкур ҳужжат демографик омиллар ва иқтисодий таъминот таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда худудлар ва иқтисодий тармоқлари салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўзаро боғланган ва комплекс чора-тадбирларни кўзда тутди.

Дастурда 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини — қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини — шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлаш назарда тутилган.

Депутатлар томонидан ўтган йиллардан фарқли равишда келгуси йил дастури-

нинг параметрлари янада оптималлаштирилиб, худудлар ва корхоналарнинг реал иқтисодиётга ҳисобга олингани алоҳида таъкидланди.

Ушбу дастур лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича парламент назоратини янада кучайтириш, ҳар бир депутатнинг ушбу масалага масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Мазкур тақлифлар инobatта олинган ҳолда 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

### Йиғилиш

## Муҳим вазифалар муҳокамаси

Самарқанд вилоят прокуратурасининг катта мажлис залига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мувофиқлаштирувчи кенгаши-нинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда жорий йилнинг тўққиз ойида қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг, шунингдек, диний экстремизм билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг олдини

олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда вилоят ички ишлар органлари тизимида Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ижросининг аҳоли ва кел-

Хондамир МАРДИЕВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

гусидаги вазифалар муҳофаза қилинди.

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган даврида ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар натижасида вилоятда умумий жиноятлар сонининг камайгани, айниқса қасддан одам ўлдириш,

## Ҳамжиҳатлик

Эл-юрт тинчлигини муҳофаза этишда, фуқароларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳар томонлама ижобий аҳамият касб этади.

**Бахтиёр МАМАДАЛИЕВ,**  
Чуст туман прокурорининг  
ўринбосари

**Ж**иноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш идораларининг ҳамжиҳатликда иш олиб бориши кўзланган натижага эришишнинг муҳим омилли бўлиб ҳисобланади.

Аммо олиб борилган таҳлиллар ҳамкорликдаги ишлар лозим даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Яъни, туман ИИБ ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани, профилактика инспекторлари томонидан ўзлари хизмат олиб бораётган ҳудуддаги фойдали меҳнат билан банд бўлмаган ва жиноят содир этишга мойил, муқад-

дам судланган шахслар билан ишлаш лозим даражада ташкил этилмагани, бандликка кўмаклашиш марказлари орқали ишга жойлаштириш масалалари вақтида ҳал этилмагани оқибатида туманнинг айрим ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар содир ортигани маълум бўлди.

Биламизки, спиртли ичимликлар жиноят содир этилишига имкон яратувчи ва унга ундовчи омиллар ҳисобланади. Шунга қарамай, туманнинг айрим ҳудудларида тақиқланган жойларда спиртли ичимликлар сотилишига йўл қўйилган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ва фаоллар, ҳудуддаги профилактика инспекторлари ва солиқ назоратчилари бу ҳолатга бефарқ муносабатда бўлганликлари ачинардидир. Бу фуқаролар томонидан

маст ҳолатда 12 та жиноят содир этилишига олиб келган.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган таҳлиллар маст ҳолда содир этилган жиноятлар сони аввалги йилга нисбатан камайганини кўрсатяпти. Аммо бу хотиржамликка берилишга асос бўлмайди. Боси, азалий ва ҳаётда ўз исботини топган қатъий ақида бор, жиноят битта бўлса ҳам кўпдир.

Шундай экан, бу мезонни бир дақиқа бўлса-да ёддан чиқармай, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамиятда учраётган салбий ҳолатлар ва иллатларни бартараф этиш борасида барчамиз бир кучга айланиб, астойдил фаолият олиб боришимиз даркор. Зотан, ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп.

Доно халқимизнинг "Кўр кўрни қоронғуда топади" деган нақли бежизга айтилмаган. Баъзан, келиб чиқишидан қатъи назар, бир-бирига мутлақо бегона кимсаларнинг дунёқарашлари уйғун келиб, осонгина тил топишадилар.


## Маккоралар

**М**елита Амирова, Мавлуда Равшанова ва Жумагул Ҳошимовалар (исм-фамилиялар ўзгаририлган)нинг биргаликдаги "фаолияти" фикримизнинг тасдиғи бўла олади. Улар бир неча бор судланганидан бўлишса-да, уларга нисбатан халқимизнинг багрикенглиги, кечи-

**Умида НУРУЛЛАЕВ,**  
Бухоро вилоят прокуратураси  
бўлим прокурори

557 минг сўмлик турли мато ва газламаларнинг пулини кейинроқ беришга ваъдалашиб олишади.

Жабрланувчи У.Жаҳонов ваъдабоз харидорларнинг келишини анча кутди. Бирок, кўринишидан инсофу диэнати харидорлар "пихини ёрган" олчоқлар эканини келчроқ англади. Негаки, улар У.Жаҳоновани ўзларининг тикув цехлари борлигига, у ерда бу матоларни осонгина "ўтказиб",



римлиги ифодаси сифатида қўлланилган амнистиядан тегишли хулоса чиқаришмаган экан.

М.Амирова танишлари М.Равшанова ҳамда Ж.Ҳошимовалар билан биргаликда жиноий тил бириктириб, алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгача мулкни кўлга қиритишни кўзлайдилар. Шу мақсадда улар Бухоро шаҳридаги "Карвон" бозорида мато савдоси билан шуғулланувчи фуқаро Умида Жаҳонованинг ишончини қозонишда ва унга тегишли бўлган жами 13 млн.

пулини тезда етказишларига ишонтиришган эди. Ниҳоят у тоқати ток бўлиб, қонун ҳимоячиларига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Суд томонидан ҳукм ўқилиб, Мелита Амирова, Мавлуда Равшанова ҳамда Жумагул Ҳошимоваларнинг ҳар бирига 6 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Шунингдек, ушбу иш юзасидан Бухоро туман прокурорининг даъво аризаси қаноатлантирилиб, жабрланувчи Умида Жаҳоновга етказилган моддий зарар судланувчилардан ундирилмаган бўлди.

## Домланинг найранги

**Бекзод АБДУРАҲИМОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Миришкор тумани бўлими бошлиғи

ритиб қўйишни ваъда бераётганида ушбу оддий ҳақиқатни унутган эди.

Р.Фақиров ва А.Худойбердиевлар домланинг гапларига ишониб, 19 миллион 200 минг сўм пул беришади. Тест синовлари ўтгач эса улар ўқишга кирганликлари қаттиқ ишонилган. Бироқ натижа бутунлай бошқача бўлганини кўриб, улар дарҳол домланинг хузурига ошиқишди. Х.Ҳазратқулов пулни қайтармаслик учун йигитларни турли баҳоналар билан аврай бошлади. Йигитлар эса узок вақт домланинг ортидан юғуриб, пулларини қайтариб ололмайдилар. Шундан сўнг улар бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишади.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Миришкор тумани бўлими томонидан маъмур ҳолат бўйича Х.Ҳазратқуловга нисбатан жиноий иш кўзга тилиб, суднинг ҳукми билан унга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.



## Қимор ишқибозлари

Маълумки, қиморга берилиш оқибатида кишилар йиллар давомида пешона тери эвазига йиққан пулидан, мол-дунёсида бир кунда ажралиши мумкин. Қиморбозлик ҳам гиёҳвандлик ва алкогализм каби инсон маънавиятини тубанлаштиради, кишининг жамиятдаги, оиладаги мавқеининг йўқолишига олиб келади. Шу бос мамлакатимиз қонунчилигида қиморбозлик тақиқланган ва унга қарши қатъий жазо чоралари белги-ланган.

**Рўзимбой МАТЯҚУБОВ,**  
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

овоза тарқатди. Хўроз ўйинининг ишқибозлари кўп экан. Белгиланган куни бу ерга 200-300 киши тўпланди. Хўроз уриштириш ниятидагилар ҳам кам эмасди. Томошабинларнинг ҳар биридан 2000-3000 сўмдан пул олинди. Уйинлар авжига чиқди...

Бу ерга йиғилган қиморбозлар қонун талабини бузаётганликларини ёддан чиқаришган эди. Воқеа жойига ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари етиб келгандагина қимор ташкилотчилари бош қашлаб қолишди, иштирокчилар қочиб қолиш пайига тушдилар.

Элбек Обдалов ва Баҳром Очиллов суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Ҳазораслик Матяқуб Нурумов ҳам қиморхона даромад манбаига айланган шахс. Бу шахс муқаддам уч марта суднинг қора курсисига ўтириб, жазога тортилган бўлса ҳам, ўз ҳаётини қайта қуриш, тартибли турмуш кечирish ҳақида йўлаб кўрмади. Ўз уйининг меҳмонхонасида бир гуруҳ фуқароларга қимор ўйнашлари учун шариот яратиб берди. Бунинг эвазига уларнинг ҳар биридан 5000 сўмдан пул оларди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тадбирда М.Нурумовнинг қиморхонаси фош этилди. У ердан ашёвий далил сифатида 2 млн. 228 минг сўм пул, 2 минг Россия рубли олинди.

М.Нурумов ҳам қилмишига яраша икки йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

**Б**ирок, бир кунда бойиб кетиш, бел оғритмай пул топиш истаги, иродасизлик ва қатъиятсизлик оқибатида айрим инсонлар қимор ўйинларига муккасидан кетадилар. Бундайларнинг ожизлигидан баднафс кимсалар ўз мақсадлари йўлида фойдаланишади.

Гурланлик Элбек Обдалов ва Баҳром Очиллов (исм-фамилиялар ўзгаририлган) ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, енгил йўллар билан даромад топиш йўлларини излай бошлашди. Ана шунда уларнинг ҳаёлига ажаб-товур фикр келди. Элбекнинг отасидан қолган эски ҳовлиси бор. Кўздан пандада. Ўша ерда хўроз уриштириш учун қиморхона ташкил қилса бўлади.

— Ака, зўр бўларди, хўроз уриштиришга ишқибозлар қанча. Томоша қилувчилар янада кўп. Жарак-жарақ пул ишлардик.

Баҳром танишини қўллаб-қувватлади. Бу ерда зўр ўйинлар ташкил қилиш ҳақида

## Сохта тадбиркорлар

Давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилди. Соҳани ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор қонун ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

**Қуат КАБУЛОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг  
Чимбой туман бўлими сурштирувчиси

**Т**уманимизда ҳам бу борада кенг қўллами ишлар амалга оширилиб, тадбиркорлик йилдан йилга ривожланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларининг 14 тасига амалий ёрдамлар кўрсатилиши натижасида 21 та янги иш ўринлари яратилди. 3 та хўжалик юритувчи субъектга фаолиятини кенгайтириш мақсадида банклардан 53 млн. сўм кредит ажратилишида ёрдам кўрсатилди.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Чимбой туман бўлими томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида жорий йилнинг ўтган даврида 65 та тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Туман ҳудудида тадбиркорлик субъектларига амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш юзасидан олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасида "Edil-Sanam" ва "Ramazan-Rahim" фермер

хўжаликлари раҳбарларининг мурожаатлари кўриб чиқилиб, ТИФ "Миллий банк"нинг Чимбой филиалидан ҳар бир фермер хўжалигига кредит олишларида амалий ёрдам кўрсатилди.

Афсуски, яратиб берилаётган бу имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан ноқонуний йўллар билан мўмай даромад топиш мақсадида юрган баъзи фуқаролар ҳам орамизда йўқ эмас. Хусусан, ўтказилган тадбирда тумандаги Бердах кўчасида яшовчи фуқаро Света Амутова ўз уйининг ёрдамчи хонасида қўлбола мойивоз ускунасида ишлаб чиқарилган 50 кг пахта ёғини кимёвий кукун ёрдамида қайта ишлаб, сотиш мақсадида сақлаб қўйгани маълум бўлди. Худди шундай суриштирув ҳаракатлари давомида туманнинг "Татжан" Овул фуқаролари йиғинида яшовчи фуқаро Ислам Оразимбетов ўз хонадонидан қўлбола мойивоз ускунасида пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқараётгани аниқланди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзга тилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

# Тадбиркорлар билан очик мулоқот

Пойтахтимиздаги "Истиқол" санъат саройида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан очик мулоқот бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат солиқ, божхона қўмиталари, Адлия, Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 октябрда имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ижроси билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев ва бошқалар мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қуватлашга доимий эътибор қаратилган таъминоти иқтисодий тизимиз барқарорлиги ва халқимиз фаровонлигида муҳим ўрин тутаятигини таъкидлади. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг тараққиётимиз ва фаровон

ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт, деган улук мақсадда амалда бўлган чикди. Бу хайрли ишларнинг изчил давом этаётгани мамлакатимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Фармонга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг эркинлик бериш учун янги имкониятлар яратилмоқда. Эндиликда тадбиркорлар фаолиятига аралашувлар тубдан қисқаради. Бу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида белгиланди.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади. Биринчи марта ҳуқуқбузарликларни содир этган тадбиркорлик субъекти етказилган зарарни ихтиёрий бартараф

этса, жавобгарликнинг барча турларидан овоз қилинади. Бу имкониятдан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахслар ҳам фойдаланиши мумкин. Демак, улар ўз фаолиятини қонунга мувофиқлаштириши зарур. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақиқланган.

— Тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлар бизни Ватанимиз раванқи йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундайди, — дейди Тошкент вилоятида фаолият юритаётган "Зиё барака текс" оилавий корхонаси раҳбари Мехринисо Исмолова. — Фармон ижроси доирасида ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бевосита қўлаги, қўллаб-қувватлаши билан фаолиятимизни кенгайтирялми. Келгуси йилдан бошлаб ишлаб чиқараётган кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ жилди ва бошқа маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилишни мўлжалламоқдамиз.

Фармонга кўра, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этилган ишлаб чиқариш кор-

хоналарига беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган санада амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларни қўллаш ҳуқуқи берилди.

— Бу хориж инвестицияси асосида фаолият юритаётган корхоналарга берилган катта имкониятдир, — дейди пойтахтимизда фаолият юритаётган "Apitexs" масъулият чекланган жамияти бош директори ўринбосари Аҳмад Зиёев. — Бизнинг корхонамиз ҳам ана шундай корхоналар сирасидан бўлиб, импорт ўрнини босувчи, саноатбop техник тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Юздан зиёд ишчи меҳнатига фаолият юритаётган жамоаси яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланади, фаолиятини кенгайтирмоқда ва янги иш ўринлари яратишни мўлжаллаганмиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этилиши муҳим янгилик экани қайд этилди. Фармон ижроси доирасида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани

мамлакатимизда тадбиркорларга, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга эркин ва самарали иш юритиш, иқтисодий тизим ривожига муносиб ҳисса қўлишида янги имкониятлар яратмоқда. Бу халқимиз фаровонлиги ошиши, мамлакатимиз тараққиёти янада юксак погоналарга қўтарилишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 21 октябр кунини имзолаган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қарорларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон мазмун-моҳияти ҳақида ҳам сўз юритилди.

Очик мулоқот шаклида ташкил этилган тадбирда видео-конференцалоқ тизими орқали пойтахтимизнинг барча туманларида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари вакиллари мулоқотга қўшилиш имконига эга бўлди. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоб олишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чиқди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинди

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилди ва таъминланди.

Жумладан, сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истақларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловда дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ешлар" теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, "Тошкент" телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилди.

"Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталарида 6 саҳифадан, "Нурлы жол" ва "Овози тожик" газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилди. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газеталарда ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Шунингдек, номзодларнинг ҳар бири республикамиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситаси — маҳсул конструкциялар, экранлар, билбордлардан ўз дастурий фоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланади. Мамлакатимизнинг 36 та электрон мониторида ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловда ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилади.

Таъкидлаш жоизки, сайловда ташвиқоти даврида тенг шарт-шаро-


итлар яратиш тамойили партия нашрларига нисбатан таъкил этилмади. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

Брифингга сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9 минг 378 та, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус белгиланган жойларда яширин овоз бериш учун сайлов кабинетлари, сайлов қутилари ўрнатилган.

Оқруқ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркиблири шакллантирилиб, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинган. Комиссия аъзоларининг 69 фоизи илгари сайлов комиссияларининг фаолиятида бевосита иштирок этган ва муайян тажрибага эга фуқаролардир. Участка сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар сони 47,4 фоизни ташкил этади. Участка сайлов комиссиялари раисларининг 26,7 фоизи хотин-қизлардир.

Брифингга сайлов кампаниясининг очкилиги ва ошқоралигини таъминлаш масалаларига, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қириш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотдан фойдаланишлари учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди. Ҳозирга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакили, оқруқ сайлов комиссиялари томонидан қарийб 560 нафар маҳаллий журналист аккредитациядан ўтказилди.

ЎЗА



Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов "Электрон ҳуқумат" тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишини жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиغان, миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим"лигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

## Самарадорлик омили

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда давлат бошқаруви, шу билан бирга, суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳўжалик судлари тизимини янада кенгайтиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиغان, миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим"лигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Косим АВЕЗОВ,  
ТДЮУ Фуқаролик-процессуал ва ҳўжалик-процессуал ҳўқуқи кафедраси ўқитувчиси

иштирокчиларига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши каби янгиликлар жорий этилди. Бу ўз навбатида, ҳўжалик судларида иш юритишнинг сифат даражасини ошириш билан бирга суд процесси иштирокчиси сифатида тадбиркорларга ҳам жуда кўп қўлайликлар яратиб берди. Шунингдек, суд процессининг янада очик ва ошқоралигини таъминлаш ҳамда янги, замонавий технология воситаларини жорий этиш мақсадида, 2014 йилдан бошлаб ҳўжалик судининг мажлисида видеоконференцалоқ режимида иштирок этиш имконияти яратилди ва тарафларга ўзлари турган вилоятдан туриб суд мажлисида видео-конференцалоқ режимида иштирок этиш ҳўқуқини берди.

Ушбу соҳадаги ислохот-лар ҳали ўз якунига ет-ганича йўқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида яна бир бора таъкидлаб ўтилди.

[Давоми 7-бетда]

# Ота шаънига доғ туширманг

Ҳаётнинг кўп мураккаб вазиятларида оталар фарзандига йўл-йўриқ кўрсатади, суяниқ бўлади. Ота — онанинг тоғи. У бор экан, онанинг ҳаловати бор. Бирок, ўз зиммасидаги шундай юксак масъулиятни ҳамма оталар бирдек ҳис қилаётими? Таассуфки, йўқ...

**М**исол учун, даъвогар Шахноза Абдуҳамитова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жавобгар собиқ турмуш ўртоғи Зафар Абдуҳамитовга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилади. Аниқлаштиришча, тарафлар 2007 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар. Оиладаги турли можаролар туфайли, орадан тўрт йил ўтиб, 2011 йилда ёш оиланинг устун қулади. Суд қарорига асосан тарафлар ўртасидаги никоҳ бекор қилинди. Бу вақтда уларнинг турмушларидан уч ёшли ўғил фарзанди бор эди. Афсусланарлиси, ота ўтган даврда ўз фарзандининг моддий таъминотида иштирок этмаган экан. Қолаверса, у ўз ихтиёри билан боладан воз кечган. Суд мажлисида жавобгар даъвогарнинг талабларини қонуний ҳақда фарзандига нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинишига қарши эмаслигини билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 180-моддасида жавоб-

гар арз қилинган талабларни тан олса ва суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилиши кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасида ота-она (улардан бири) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ низо-ларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 8-бандида ота-оналарнинг маҳрум қилиниши мумкин бўлган ота-оналик ҳуқуқи дейилганда, уларга боласини вояга етгунча тарбиялаш, унинг манфаатларини ҳимоя этиш ва унга вақиллик қилиш, боласини бошқа шахслардан талаб қилиб олиш, унинг фарзандликка олинишига розилик бериш ва ҳ.к.лар учун берилган ҳуқуқлар тушунилмоғи лозимлиги, 15-банди 2-хатбосида ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш деганда — ота-оналик бурчларини узлуksиз равишда қажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин гамхўрлик қилмаслиги тушунилиши, али-

мент тўлашдан бош тортганда бу факт суднинг ҳукми билан тасдиқланиши шарт эмаслиги, бунинг учун ота-оналардан бирининг ўз болаларини моддий таъминлашдан доимий равишда қочишга уринганлигига ишонч ҳосил қилишнинг ўзи кифоя қилиши кўрсатилган.

Ишни қўриб чиққан суд шу каби бошқа қонуний асосларни инобатга олиб, Ш.Абдуҳамитовнинг даъвосини қаноатлантирди ва З.Абдуҳамитовни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Бу борада судларда кўрилган ишлар ўрганиб чиқилганда, баъзи ҳолатларда судлар томонидан қабул қилинаётган қарорларда қонун нормалари талабига тўла риоя этилмаётгани маълум бўлди. Хусусан, Фуқаролик ишлари бўйича Учтала туманлараро судининг 2015 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан Чилонзор туманида яшовчи фуқаро О.Гусаровнинг жавобгар Д.Гусаровга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилган. Чилонзор туман прокуратураси томонидан суднинг мазкур ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ўрганилганда қонун талаблари бузилгани аниқланган.

Суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 15-моддаси талабларига зид равишда суд

тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли бўлса-да, манфаатдор томонларнинг судда берган кўрсатувларига ва аниқланган ҳолатларга етарли даражада ҳуқуқий баҳо бермасдан ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низо-ларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорига асосан, ота-онадан бирини ота ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги даъвони қўришда, суд болаларнинг келгусидаги тарбияси учун етарли шароитларни таъминлаш ва ота-онанинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, ҳар бир ҳолатда, алоҳида турадиган ота ёки онанинг турган жойини аниқлаши, уни ишда иштирок этишга жалб этиши ва болани тарбиялаш учун олиб бериш талаб қилинган ҳолларда унга болани олиб бериш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши шарт. Лекин суд Д.Гусаровнинг турган жойини аниқла-

**Алишер ҲАСАНОВ,**  
Чилонзор туман прокурорининг катта ёрдамчиси

масдан ҳал қилув қарорини қабул қилган.

Қонунга зид тарзда қабул қилинган ушбу қарор юзасидан апелляция тартибидан протест киритилди ва юқори турувчи суд томонидан қаноатлантирилиб, иш юзасидан адолатли қарор қабул қилинишига эришилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Оила кодексининг 81-моддасида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ундан таъминот олиш ва бошқа имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан ҳам маҳрум бўлиши белгилан қўйилган.

Оила муқаддас кўрғондир. Унда ҳар биримизнинг — ота-она, ака-ука, опа-сингил барчамизнинг ўз ўрнимиз, ўз масъулиятимиз бор. Бу бурч ва масъулиятни бажармаслик эса, кўрғон пойдеворидан ҳар сафар битта гиштини суғуриб олишдек гап. Оила-имизни асрайлик. Зотан, оила мустаҳкам экан, жамият барқарордир.

Бугунги кунда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олмини олиш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратишмоқда. Мутасадди ташкилотлар томонидан вояга етмаганлар билан тарбиявий ишларни кучайтириш, боқувчисини йўқотган оила-ларнинг фарзандларини маънавий-маърифий жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

## Келажак пойдеворлари

**Омирбай ХУДАЙБЕРГЕНОВ,**  
Тўрткўл туман прокурори

**Т**ўрткўл тумани мисоли-да айтадиган бўлсак, туман прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда. Бунда вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлашга масъул бўлган муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиришга, мазкур йўналишдаги қонунлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида бу борада ўтказилган текширишларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 8 та тақдимнома киритилиб, қонунга хилоф тарздаги ўндан ортиқ ҳужжатларга протест келтирилди ва қонунга мувофиқлаштирилди. Ўтказилган назорат тадбирлари давомида 47 млн. сўмдан ортиқ ноқонуний тўловлар давлат бюджетига қайтарилди. Жумладан, Тўрткўл қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи мансабдор шахслари томонидан жами 19 млн. сўмдан ортиқ, 2-сонли Тўрткўл қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи мансабдор шахслари томонидан эса 28 млн. сўм миқдоридagi иш ҳақлари ортиқча тайинланиб, бюджет маблағлари талон-торож қилинган ҳолатлар юзасидан тегишли шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилиниб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, келажакда эл-юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб етишиши учун барча чора-тадбирларни кўриш зиммаимиздаги устувор вазифадир.



Аҳолининг ҳаёт сифати ва турмуш тарзида коммунал тизимларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Намунали хизмат, яъни электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминоти, шунингдек, уй-жойни сақлаш ва бошқа турдаги коммунал соҳалар фаолиятининг яхши йўлга қўйилгани ҳаёт тарзимиздаги қулайликларда, турмушимизнинг юксалиб боришида намоён бўлади.


**А**фсуски, жамиятда табиий бойликлар ва энергия ресурсларининг қадрига етмайдиган, улардан оқилона фойдаланиш ўрнига, ўғринча муносабатда бўладиган, устига-устак, коммунал тўловлардан бўйин товлашга уринадиган кимсалар ҳам учраётганидан кўз юмолмаймиз. Қолаверса, хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналарнинг масъул-мутасаддилари ҳамда назоратчи-ҳодимлари орасида ҳам ўз вазифасига сидқидилдан ёндашмайдиган, ишончли суистеъмол қилувчи лоқайд шахсларнинг борлиги ташвишланарли ҳол. Бундайларнинг ўз ишига беписандлик билан қарши, шахсий манфаатини эл манфаатидан устун қўйиб, юрт бойликларига беписанд муносабатда бўлиши, табиийки, тизимлар фаолиятининг барқарорлигига путур етказиб, таъминотда узилшар юзига келиши ва хизмат сифатида салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатларга эса бефарқ қараб бўлмайди.

Бу борада Наманган шаҳар прокуратураси томонидан мазкур соҳадаги қонунчилик ижросига жиддий эътибор қаратган ҳолда суистеъмолчиликлар, ўзибузилчилик ва қонунбузилишларга қарши муросасизлик билан кураш олиб борилмоқда. Бунда мунтазам назорат-таҳлилларни ўтказилиб, йўл қўйилган камчиликлар, қонунбузилишларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар қўлланилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу соҳага оид текширишларимиз натижасида жойларга 3 та тақдимнома киритилиб, коммунал тўловларни ўз вақтида ундириш чораларини кўрмай, қарздорликлар ортишига сабабчи бўлган 55 нафар айбдор шахси интизомий жавобгарликка тортилди ҳамда 1 та қўпол қонун бузилиши ҳолати юзасидан жиноят иши кўзгатилди. Мисол учун, "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Наманган шаҳар филиали газ назоратчиси Ш.Ишондаев 58 нафар фуқаро томонидан табиий газ учун тўланган 21 млн. 600 минг сўм пулни ўзлаштириб юборган экан. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан жиноят иши кўзгатилиб, суд ҳукмига кўра мазкур

## Виждон амри

**Абдурусул ДАВЛАТОВ,**  
Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси



ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилди.

Бундан ташқари, Наманган шаҳар "Сувоқва" давлат унитар корхонасининг "Келажак тонги", "Маданий", "Мехрибонлик" ва "Янги асп" МФЙларга бириктирилган худудий назоратчилари ичимлик сувидан бўлган қарздорликларни ўз вақтида ундириш чораларини кўрмаганлар. Бундай муносабат қарздорлик ортишига олиб келган.

Тизимда қўллаб учраётган шу каби қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан жойларга тақдимнома киритилиб, корхонанинг 10 нафар назоратчиси интизомий ҳамда вилот "Сувоқва" давлат унитар корхонаси раҳбари М.Аппақов маъмурий жавобгарликка тортилди.

Табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви каби бебаҳо неъматларнинг қадрига етмоқ, фаровон турмушимизни асрамоқ, аввало, ўз қўлимизда.

Хулоса шуки, коммунал тўловларга ижобий муносабат виждон амри, қалб давъатига айлансин. У оддий фуқаро бўладими, коммунал соҳага мутасадди бўлган раҳбар ёки назоратчиси, тўлов ундириш борасида қонунбузарлик ва лоқайдликка йўл қўймаслиги даркор. Зеро, "кўпчиликнинг ҳақи"га хиёнат қилиб бўлмайди.



# Тадбиркорлик фаолияти янада ривожланади

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодийликдаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди".



Ўзбекистонда иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур ҳолат тадбиркорлик мамлакатимиз барқарорлигини сақлаш ва аҳоли бандлигини таъминлашда нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Қайд этиш лозимки, тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан берилган эътибор натижасида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмоқда. 2016 йилнинг октябр ойида Жаҳон банкнинг бизнес юритиш рейтингига 190 та давлат ичида Ўзбекистон 87-ўринни эгаллаб, ўтган йилги рейтингни сақлаб қолган.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий говлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 5 октябр кунини "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Мазкур фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашни янги босқичга олиб чиқади.

Фармонда ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар etkazилишига йўл қўймаслик ҳамда давлат органлари ходимлари масъулиятини ошириш мақсадида тадбиркорлик

ни давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни улар томонидан etkazилган зарарни қоплаган ва ҳуқуқбузилиши оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий бартараф этган тақдирда, жавобгарликнинг барча турларидан озод қилиш каби янги чораларни назарда тутди.

Қайд этиш лозимки, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазони қўллашни таққиловчи норманинг фармонда акс эттирилиши, ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектларининг келгусида ушбу фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқлари чекланмаслигини кафолатлайди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхо-

минлаш доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни, шу жумладан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги, "Давлат харидлари тўғрисида"ги ва "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонунларни қабул қилиш назарда тутилган.

Шунингдек, Дастурга муювфик, жиноят ишлари бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг аниқ ҳуқуқий тартиб-таомилларни белгилаш учун "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунга, Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектлари фаолиятига, шу жумладан, жиноят ишлари доирасида тергов қилишни аралаштириш имконини берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга кўмаклашди.

Бундан ташқари, Дастурда тадбиркорлик субъектларига ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги вазифа ва ваколатларни босқичма-босқич суд органларига ўтказиш йўли билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфа-

**Хушрид КАРИМОВ,**  
Бош прокуратуранинг ОЎҚ  
кафедраси бошлиғи  
вазифасини бажарувчи

ни назарда тутди.

Бундан ташқари, фармонда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан Парламент назорати шакллари кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш ва у қўйидаги асосий ваколатларга эга бўлиши назарда тутилмоқда:

- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

- тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

- тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;

- қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;


- давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

Қайд этиш лозимки, хорижий давлатларнинг тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясига кўмаклашувчи — омбудсманлар фаолият юрилади.

Бундай омбудсманлар ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб Европа, АҚШ, Австралиядош фаолият билан таъсис этила бошлаган. Бу эса, ўз навбатида, давлатларнинг миллий иқтисодийётида тадбиркорлик субъектлари улущининг ортишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтининг ташкил этилиши мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланишига, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятга муносиб ҳисса қўлишига қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур фармоннинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодийётининг барқарор ривожлантиришининг асосий омилли сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий говлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этишга қаратилгани билан алоҳида эътирофга лойиқдир.




субъектларига etkazилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш ўз ифодасини топди.

Таъкидлаш лозимки, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади. Бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказиш фақат Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин ва текшириш муддати бир иш кунини билан чекланган.

Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириб, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда тадбиркорлик фаолияти-



наларига беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган сандана амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларни қўллаш ҳуқуқи берилади. Бу ерда шунинг қайд этиш лозимки, ушбу имтиёз инвестиция сифатида киритилган маблағлар миқдоридан қатъи назар хорижий инвестициялар иштирокидаги барча корхоналарга татбиқ этилади.

Фармон қондаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Хусусан, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шаффоқлигини таъ-

атларини суд томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари режалаштирилган.

Ушбу чоранинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектларини текширган назорат қилувчи орган томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг муқтақил қўриб чиқиш ва бў орақли маъмурий ишларни қўриб чиқишдаги бетарафлик ва холисликка таъсир кўрсатувчи амалиётнинг бартараф этилишига йўналтирилган.

Қайд этиш лозимки, "Электрон ҳуқумат" тизимини жорий этиш доирасида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг бевосита мулоқот қилмайдиган шакллари кенгайтириш бўйича комплекс тадбирлар мўлжалланган. Хусусан, Дастур тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали "ягона дарча" тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш-

# Суд-ҳуқуқ тизимини янги босқичга олиб чиқиш — давр талаби



Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳ этилиб, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунигига асосланган ҳуқуқий тизим шаклланди.

Конституциямизда судларнинг мустақиллигини кафолатловчи нормалар мустаҳкамлаб қўйилди. Суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсирдан чиқариш имконини берувчи "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қончилигига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2013 йил 4 октябрдаги "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини тақомиллаштириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Бироқ замонвий талаблар асосида мамлакатимизни ривожлантиришнинг стратегик устувор вазифалари ҳозирги кунда бошқа соҳаларда бўлаётгани каби суд-ҳуқуқ тизимини ҳам янада ислоҳ қилишни, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришни тақозо этаётган эди. Шу маънода 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилиб, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд,

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш каби мақсадларни назарда tutади.

Ушбу фармоннинг ўзига хос жиҳати ва зарурати куйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, мазкур фармонда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилди. Унга қўра, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари сифатида эътироф этилди.

Миллий қонунчилигимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлашга қаратилган нормалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашнинг замонавий талаблари ва ҳалқаро стандартлар асосида кафолатларини кучайтиришга зарурат сезилаётган эди. Зеро, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминламай туриб одил судловни амалга ошириш, пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга эришиб бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, мазкур фармонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашнинг энг илғор, замонавий механизмлари жорий этилиши назарда тутилди. Хусусан, судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинланиши (сайланиши) белгиланмоқда. Дарҳақиқат, судьялик лавозимда бўлишни ушбу тартиби судьяларнинг мустақиллигини кафолатлаш билан бир қаторда мамлакатимизда профессионал судьялар корпусини шакллантиришга, суд тизимини юқори малакали, одил судлов соҳасида катта тажрибга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳалол ва бенуқсон обрў-эътиборли судьялар билан тўлдиришга хизмат қилади.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашдаги навбатдаги муҳим чора-тадбирлардан бири — 2017 йилнинг 1 апрелидан адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ундан ташқари, фармон билан ҳўжалик судлари тизимига минтақавий апелляция судларининг ташкил этилиши, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик суд-

ларининг ваколатларини қайта қўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларнинг ташкил этилиши кабилар ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омиллар ҳисобланади.

Иккинчидан, Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати — унда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари белгилаб берилди. Хусусан, фармонга мувофиқ, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъжовуз қилиш ҳолатлари юзасидан судлик билан зарур чоралар қўриш; жисмоний ва юридик шахсларнинг муножаатларини ўз вақтида ҳал этиш, муножаатларни қўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни қўриш; фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини кенг қўллаш; фаолиятини иш якуналарининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни, аввало, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш орқали тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш; ходимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одо-ахлоқ қоидаларига оғишмай рияз этилишини таъминлаш; юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини тақомиллаштириш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз рияз этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари  
мониторинги институти бўлим бошлиғи

рат органларининг муҳим вазифалари сифатида белгиланди.

Учинчидан, фармондаги асосий вазифалар ва янги нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасидаги 8 та энг устувор соҳалар бўйича 45 та аниқ тадбирлар белгиланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Мазкур комплекс чора-тадбирлар дастурида қайд этилган вазифалар, ижрочилар ва аниқ муддатлар белгиланган. Бундан эса, фармонда кўзда тутилган вазифалар бандларовоз гаплар эмаслигини, ундаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳуқуқий механизмлар белгиланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича аниқ топшириқлар берилганлигини қўриш мумкин.

Дастурда белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг муҳим стратегик ва устувор бўлган соҳаларини тўлиқ камраб олганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Фармон билан жорий этилаётган янгиликлар орқали йиллар давомида бу соҳада тўпланиб қолган муаммоларнинг аниқ ечимни кўрсатилган. Масалан, унда маъмурий судлар ташкил этилишининг назарда тутилиши, назорат инстанциясининг ислоҳ этилиши, қамоқ тарзидаги жиноий жазо турининг тугатилиши, суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилиниши, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим жиноят тартиқларини жиноят тоифасидан чиқариш каби масалаларга аниқ ечимлар назарда тутилган. Энг муҳими фармонда назарда тутилган вазифалар ҳамда комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш билан бир қаторда, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги Фармони мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиб, келгуси 2017 йилда бу соҳада мисли қўрилмаган даражада улкан ислохотлар бўлишидан дарак берувчи фармон бўлди десак, муболаға бўлмайди.

(Давоми.  
Бошланиши 3-бетда)

## Самарадорлик омили

Фармоннинг 9-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди тадбиркорлар ҳуқуқларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини, шаффофлик ва ҳолисликни таъминлаш мақсадида уч ой муддатда суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмлари босқичма-босқич жорий этилишини, шунингдек, қабул қилинган суд қарорлари веб-сайтларда жойлаштирилишини назарда тутувчи дастурнинг ишлаб чиқилишини таъминлаш имконини белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, судлар фаолиятида ушбу тизим илк

мартаба Жанубий Кореяда синовдан ўтказилган. 1995 йилда қабул қилинган қатор норматив ҳужжатлар асосида "Tele-Courts" ва "Tele-Trials" номи судлар фаолиятида ахборот-технологиялардан фойдаланишга қаратилган дастурлар ишга туширилиб, бугунги кунга қадар суд органлари томонидан муваффақиятли тарзда қўлланилиб келинмоқда.

Европа давлатлари орасида Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва Испания судлари томонидан ахборот технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиб келинаётганини алоҳида эътироф

этиш лозим. Хусусан, Испания қонунчилиги суд мажлиси жараёнини фотосурат ва аудио-ёзув шаклида ёзиб олиб, DVD форматда архивда сақлаш қоидаларини назарда tutади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар орасида Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия давлатларининг тегишли норматив ҳужжатларида ҳўжалик судлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масаласи акс этган.

Хорижий тажрибани ўрганиш асосида қуйидаги ҳўжаларни чиқариш мумкин:

1) судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши суд ишларини қисқа муддатларда қўриб чиқиш имконини беради. Бу эса барча суд процесси ишторқилари учун бир қатор қўлайликларни яратди;

2) суд иш юритиши билан боғлиқ почта харажатлари ва бошқа харажатларни қисқартиради;

3) суд иш юритишини электрон шаклда олиб бориш суд қарорлари ва бошқа керакли ҳужжатларни дарҳол қабул қилиш ёки узатиш имконини бериб, суд иш юритиши ҳўжатларини ташишдан ҳалос этади;

4) электрон архивлаш тизимида фойдаланишнинг ҳам ўзига хос ихобий хусусиятлари бўлиб, архивлаш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш билан бирга, маълумотларни уларга зарар етказмаган ҳолда узоқ сақлаш имконини беради.

Сўнги йилларда юртимизда ҳўжалик судлари тизимига ахборот коммуникация технологиялари жорий этилаётганини эътироф этган ҳолда, ушбу жараёни жадаллаштириш, ўз навбатида, бунинг ҳуқуқий асосларини чукур илмий таҳлил этган ҳолда янада тақомиллаштириш, хорижий мамлакатлар илғор тажрибасини ўрганиш ва бу соҳадаги муаммоларнинг илмий ечимларини ишлаб чиқишни тақозо этади.



## Экологик тоза мева-сабзавотларимиз — дунёда харидоргир

2016 ЙИЛНИНГ 8-10 НОЯБРЬ КУНЛАРИ  
ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО МЕВА-САБЗАВОТ  
ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экологик тоза маҳсулот етиштириш ва атроф-муҳитни соғомлаштириш доимий эътиборда. "Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот маркази" давлат унитар корхонасида қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундаларига қарши трихогарма, бракон, олтинкўз каби энтомофаглар кўпайтирилиб, саккиз юздан ортиқ биологатория ҳамда дехқон ва фермерларга бирамчи биомаҳсулот етказиб берилмоқда. Жорий йилда биргина трихогарма паразити — энтомофаг 11 тоннадан ортиқ етиштирилди. Бу атроф-муҳит тозаланиши ва инсон саломатлигини асрашга хизмат қилади.

— Зараркунанда ва касалликларга қарши курашда экологик соф усуллардан фойдаланиш, биологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қўллаш бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ҳисобланади, — дейди мазкур корхона мутахассиси Азимжон Анорбоев. — Етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг 90 фоиздан ортиги биологик усул ёрдамида парвартирилганни боис жаҳон бозорида, хусусан, Япония, Жанубий Корея, Европа мамлакатларида уларга талаб ортиб бормоқда.

Мавлүмчи, органик қишлоқ хўжалиги — атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан биологик хилма-хилликни асрайдиган, экотизимни яхшилайдиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган, инсонлар саломатлигини муҳофизат қиладиган ишлаб чиқариш тизими ҳисобланади.

Дунё мамлакатларида экологик тоза маҳсулот етиштириш ва унга талаб тобора ортмоқда. Бу юртимиз фермеру тадбиркорларини учун янги экспорт имкониятларини очади.

— Органик маҳсулот етиштиришда синтез асосда тайёрланган кимёвий пестицидлар, минерал ўғитлар, антибиотиклар, ўсимликларни ўстирувчи сунъий моддалар ва озуқа қўшимчаларидан фойдаланилмайди, — дейди Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги "Нурафшон" фермер хўжалиги раҳбари Шарифжон Каримов. — Амаллаб экиш имкониятларидан имкон қадар кенгрок фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг касалликлари ва зараркундаларига қарши биологик кураш усулини қўллаяпмиз. Ерни шудгорлаш, унга ишлов бериш эҳтиёткорлик билан олиб борилади. Етиштирилаётган органик маҳсулот инсон саломатлиги учун ижобий хусусиятларга эгаллиги боис истеъмолчилар томонидан жуда қадрланади.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, юртимизда азалдан органик дехқончилик мавжуд бўлса-да, бундай усулда етиштирилган маҳсулотларни муайян асослар бўйича таснифлашда етарли даражада илмий мезонлар ишлаб чиқилмаган. Яъни, маҳсулотнинг ўзи бор-у, лекин унинг экологик тоза эканлигини тасдиқловчи меъёрлар ва стандартлар тайёрланмаган. Шу сабаб органик тоза маҳсулот стандартлари, уларни тартибга солишда ва маркировка қиладиган ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Масалан, фермер органик маҳсулот етиштириш қоидаларига риоя этган ҳолда узум етиштирди ва бу маҳсулот истеъмолчиларга бори етди, дейлик. Бунда маҳсулотни етиштириш, қадоқлаш, оморда сақлаш, транспортда ташиш, савдо майдончаларига жой-

лаштириш сингари барча босқичлар сертификатланади. Келгусида мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари "органик" деган мақоми билан сифати нисбатан паст, импорт озиқ-овқат маҳсулотларидан ажралиб туриши ва сифат жиҳатдан рақобатбардош бўлиши шубҳасиз.

— Пахта, галладан тортиб мева-чева, кўкатларимиз захарли кимё воситалари, гербицидлар, стимулятор-гербицид етиштирилади, — дейди Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги "Кенжабой Солихон" фермер хўжалиги раҳбари Шорустам Хамидов. — Миносол учун, мевали дарахтларга, сабзавот экинларига шира тушса, олтинкўз энтомофаги личинкаларидан фойдаланамиз. Кемирувчи куртлар помидор, бодиринг, ловия, мош, қарам каби экинларга зарар етказётганини аниқласак, улар учун 500-1000 дона паразит бракон тарқатиш қиёя. Аслида ҳам органик дехқончилик табиати асраб, унумдор ерларни келажак авлодлар учун асл ҳолида сақлаб қоладиган самарали усуллар.

Олимлар экологик тоза маҳсулот инсон соғлиғига зарар етказмаслиги, келажак авлод саломатлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги ва юқори ижтимоий-иқтисодий самарага эга бўлишини асослаб беришган. Тадқиқотларга кўра, экологик тоза маҳсулотлар истеъмол қилинганда инсоннинг ўртача умр кўриш ёши ортиши, аҳоли орасида ҳар хил касалликлар тарқалиш даражаси ҳамда болалар ўлимнинг камайиши ва бошқа муҳим ижобий кўрсаткичларга эришилган.

Марказда сабзавот экинларининг асосий зараркундаларига қарши таксимланган кураш усуларини ишлаб чиқиш бора-сида ҳам илмий изланишлар давом этмоқда.

ЎЗА

## Фожианинг илдиизи

Хонадон эшигини оқсоқол очди.

— Келинг, келинг. Юринг, марҳамат кирверинг, — дея оқсоқол ичкарига бошлади. Янги уйнинг иккинчи қаватидаги тўрт хонали хонадон бекаму кўст жиҳозланган. Меҳмонхона тўридаги "стенка"да биллур идишлар, шипдаги биллур қандил, эни чамаси бир ярим метрли ясси телевизор, бурчак диван, бир жуфт юмшоқ кресло, ойнаванд стол, полга тўшалган қимматбаҳо гилам оила бой-бадавлатлигини кўз-кўзлаётгандай эди.

— Қани ўтиринг. Оллоберган тагин нима иш кўрсатди?  
— Дарсларни қолдирапти, — дея гап бошлади гуруҳ раҳбари. — Болаларни амалиёт ўтайдиган корхона-ташкilotларга бириктирдик. Набиранингиз бирон марта қорасини кўрсатгани йўқ...

— Тугилган кунига аяси совға қилган машина эс-хушини ўғирлаб қўйгандир-да. Хайдовчиликка ўқияпман, дедди.

— Билими саёз...  
— Кўряпмиз, олий маълумотли ўқиганларни. Маошдан маошга кўз тикиб ўтирадимиз? Қизим хорижда ишлаб топаётган пулларига дўкон куриб берса, савдо билан шуғулланса, Оллоберган болам бойвучча бўлиб юради ҳали, мана кўрасиз...

"Балиқ бошидан ирийд", деганлари шу-да, хаёлидан кечди гуруҳ раҳбарининг. Аслида бу бола отасиз улғайди, онаси билан ҳам икки-уч йилда бир кўришади. Ҳомбосининг қўлида қолган якка-ёлғиз, тарбия кўрмаган бола охири-оқибат шумтақа бўлиб куйдиришини нахот тушунишмася?

— Давоматга мен жавобгарман, отахон. Амалиётга қатнамаса, сиз-гаям, менгаям чора кўришади. Эрталаб менга учрасин.

— Бўпти, боради.

\*\*\*

Димоғига гуп этиб ароқ иси урилди. Рўпарасида кўзлари қисилиб турган қирқ-қирқ беш ёшлардаги йигит "Домласисиз, ман аллақачон ўқишни битирганман", деб хоҳолаб қулди.

— Қизингизни ўқитаман, — у жаҳли чиққанини сездирмади. — Бўпти, бошқа келарман.

— Йўқ-йўқ, унақиси кетмайди. Домлаларни хурмат қиламиз. Меҳмонимизсиз.

Ширакайф кўярда-қўймай ҳовлига тортиди. Чокқина ҳовли беражаном, бетартиб эди.

— Яна битта ароқкўрни опкирдизми, — даҳлиздан чиққан аёл бидирлашга тушди. — Ҳамма нарсани сотиб, ичиб тугатдиз-у.

— Учир чакагингни, иш топдим. Эртадан қатнайман, дедим-ку. Қизинг қани, қизинг. Домласи кепти.

Аёл жилмайишга уринди.  
— Улфатимисиз, деб ўйлабман. Келинг, — дея ток остидаги сўрига тўшақ эъди.

— Ҳалима нимага бормаяпти коллежга? — гуруҳ раҳбари гапни чўзмай муддаога ўтди.

— Ҳар куни эрталаб ўқишга, деб чиқиб кетади. Кечки пайт қайтади. Кена гуруҳимизни Қўқонга савёхатта олиб боришаркан, ётиб қоларканмиз, деган эди. Бор пулимни бергандим. Шощмангчи, — аёл кўл телефони рақамларини терди. — Тавба, ўчирилган, деяпти.

— Қизинг ҳам ўзингга ўхшаб... — эр сўқинди.

— Яна тўхмат, яна бўхтонми?! Бозорда олиб-сотарлик қилиб

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
«Huqiq»

сўтак эримни-ю, болаларимни боққаним эвазига юзимга қора суркаса, қандоқ кунларга қолдим?!


Ораларига тушиш бефойдалигини пайқаган гуруҳ раҳбари хайр-маъзурни насия қилди.

\*\*\*

— Уйга бормайман, оёғим тортмаяпти, тагин уриш-жанжални устидан чиқаман, — деди Ҳалима. — Сенга мазза. Ўзингга хон, ўзингга бек. Бобонгни эркатойи-сан.

Улар синфдош, бир-бирларини сенсираб катта бўлишган, қоллежда ҳам битта гуруҳда ўқишар эди.

— Бўпти, дала ҳовлимизга борамиз, — деди Оллоберган. — Ҳеч ким йўқ. Зўр видеоларим бор. Зерикмайсан.



У янги "Нексия" машинасини тўхтатиб, йўл бўйидаги дўконга кирди. Иккита целлофан халтани тўлдириб чиқди. Куз пайти, шаҳар четида, адир ёнбошидаги қимса-сиз дала ҳовилар дарахтларининг барглари саргайиб, ерга тўшала бошлаганди. Чамаси, тўрт сўтихча ҳовлининг ўртасида фонтанли ҳовузча, унинг ёнбошидаги айвончада сури, тўрида даҳлиз, меҳмонхона ва ётоқхонадан иборат уй қад ростлаган эди. Беш-олти туп хурмо дарахтларининг мевалари фарқ пишган, шоҳлари ерга теккудай эгилганди. Ҳалиманинг баҳри иди очилиб, икки дона хурмони зули. Ювб, жилмайғанича биттасини Оллоберганга узатди.

— Димлама қиламиз, — Оллоберган ўчоқ бошидаги идишларни сўрига олиб қўйди. Бирга арчиб-тўрашди. Меҳмонхонада болаликларидидаги хангомаларни эслаб қулиб видео томоша қилиб ўтиришди. Оллоберган чинни товоқдаги барра гўштли димламани дастурхонга қўйди. Шапман виносини очиб, қадахларга қуйди...


— Бўлар иш бўлди, қовоқ-тумшуқ қилаверма, — деди Оллоберган эрталаб "Нексия"да шаҳарга қайтаётганларида. — Айтдим-ку, сенга уйланаман. Аямни чет элдан чақириб олиб, совчиликка юбораман.

ЙХХ ходими тўхташга ишора қилди. Оллоберган газни босди. — Тўхта, нима қиляпсан? — деди Ҳалима ваҳимага тушиб.

— Правам йўқ.

— Қувиб етса-чи.

Машина елдай учиб борар, Оллоберган дамба дам пешонасидаги ойнага қарарди. Қувмайди. Давлат рақамини ёзиб олган бўлса... Қарс-қурс. Чапга қикиб кетган "Нексия" қарама-қарши томондан келаятган юк машинасининг ёнбошига урилди. Юк машинаси ёнбошга қолди. Изма-из келаятган энгил машиналар тўхтаб, хайдовчи ва йўловчилар ёрдамга шошилишди. Оёғи осмондан бўлиб ётган, пақоқланган машинасида бир амаллаб йигит ва қизни тортиб олишди. Бироқ... Иккаласи ҳам қонга беланган, жон асари йўқ, юк машинасининг хайдовчиси эса соппа-соғ эди.



## Бобош меҳмон

Олимжон НАБИЕВ,  
Бош прокуратура бошқарма  
АМИБ терговчиси

ундан ҳол-аҳвол сўраб, маза-си қочган бўлса, ташқарига чиқиб ўтиришини айтади. Фирт маст аҳволдаги Артемага нотаниш йигитнинг илтимоси ёқмайди.

— Нима дединг? Тошингни тер! ... — деб, уларни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди.

Шундан сўнг улар ўртасида муштлашув бошланади. Кутилмаганда Артем ёнидан пичоқ чиқариб, Дилшоднинг қўли ва кўкрагига санчиб олади. Анвар уларни ажратмоқчи бўлиб келганда, у ҳам бир неча бор пичоқ зарбига дучор бўлади. Қонга беланган йигитлар ундан қочмоқчи бўлишди, аммо Дилшод кўп қон йўқотганлиги ва жароҳати оғир бўлгани туфайли ҳушидан кетади.

Кўп ўтмай воқеа жойига "Тез тиббий ёрдам" ҳамда милиция ходимлари келиб, Дилшод ва Анварни касалхонага олиб боришади. Ўз вақтида кўрсатилган малакали тиббий ёрдам туфайли уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ушбу ҳолатни атрофлича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан Артем Гариков Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан айбдор деб топилди, 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида коммуналикнинг асосий мезонлари деб билим, хушхуқлиқ, касб-хунар эгаллаш, ватанпарварлик қабилар кўрсатилади. Дарҳақиқат, инсон ёшлигидан илм, касб-хунар кетилан қувиб, фаровон турмушининг пойдеворини яратади. Аммо ақл билан иш тутмаслик, ҳаётга енгил қараш инсонни тўғри йўлдан чиқаради. Балоғат ёшида эса болаларнинг назоратсизлиги турли кўнгилсизликлар, ҳапто улар томонидан жиноят содир этилишига ҳам олиб келиши барчамизга маълум.



## Автомашина шайдолари

Сарвар ЮНУСОВ,

Сергели туман прокуратураси терговчиси

Коллеж талабаси бўлган Дилёр Ўлмасов (исми-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундай назоратсизлик оқибатида жиноятга қўл урган ёшлардан саналади. У танишлари Расул ва Жавлон билан биргаликда қаровсиз қолдирилган автомобилларга бир неча бор "ов" уюштирилди.

Ўзаро тузилган жиноий режага биноан улар Сергели туманидаги 7-мавзеда қаровсиз қолдирилган "Спарк" русумли автомобилнинг давлат рақамини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинадилар. Сўнгра, соат тунги бирларда Спутник 16-мавзеда қаровсиз қолдирилган "Матиз" русумли автомобилнинг ойнасини синдириб, ҳайдаб кетадилар. Олиб қочилган автомобилга "Спарк" автомобиласининг давлат рақамини тақиб олишади.

Машинани Чирчиқ дарёси соҳили бўйига бошқариб борган "овчи"лар, автомашинадан нархи жами 530 АҚШ долларлик турли ашёларни ўғирлаб, ўзини пастликка итариб юбордилар.

Биринчи ишларидан рухланган йигитлар орадан беш қун ўтиб, аввалгидек, Спутник 9-мавзеда қаровсиз қолдирилган "Матиз-9" русумли автомобилнинг давлат рақамини ўғирлайдилар. Ва шу кунги тунги соат 01:00ларда, Сергели 2-мавзеда қаровсиз қолдирилган "Нексия-Дон" русумли автомобилнинг ойнасини синдириш йўли билан очиб, ҳайдаб кетадилар. Унга "Матиз-бест" русумли автомобилнинг давлат рақамини ўрнатиб,

Зангиота тумани Соҳилбўйи кўчасига бошқариб бориб, автомашина салонидан ўзларига керакли буюмларни олиб, автомобилни ўша жойда қолдириб, ўзлари воқеа жойидан яширинадилар.

Иштаха овқат пайтида келади деганларидек, йигитларнинг иштахаси хар "ов"дан кейин карнай гулдек очилар эди. Улар Қўйлик 5-дахасида қаровсиз қолдирилган "Кобальт" русумли автомобилни олиб қочиб, салондан жами 1 млн. 550 минг сўмлик буюмларни ўғирлаб, автомобилни воқеа жойида қолдирилди.

Бундан ташқари, Д.Ўлмасов бошчилигидаги жиноий гуруҳ Яққасарой тумани Кушбеги даҳасида қаровсиз қолдирилган "Нексия", Сергели 4 мавзесида қаровсиз қолдирилган "Нексия-Дон", Чилонзор тумани 17-мавзеда қаровсиз қолдирилган "Спарк" русумли автомобилларни ҳам юқоридаги келтирилган турли усуллар билан ўғирлаб, автомобиль эгаларига турли даражада моддий зарар етказган эканлар.

Юқоридаги ҳолатлар ўзасидан жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди Дилёр Ўлмасовга 11 йил, Расул Толиповга 12 йил, Жавлон Холиевга 10 йилга 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақосини тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Юртимиздаги инсонпарварликка йўғрилган қонунаришимизга мувофиқ С.Тоҳировга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир неча бор тузаши имкониятлари ҳавола этилди. Ўттиз икки ёшида бировга тан жароҳати етказиб судланди. Икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Амнистия акти қўлланмиб, жазони ўташдан озод этилди. Оиласи бағрига қайтди. Уч нафар фарзандини воёга етказиш учун ҳалол ишлаб, рўзгорини тебратиш ўрнига, жон қойитмай мўмай пул ишлаб олмоқчи бўлди. Томорқасидаги экинлар орасига наша экиди. Таъқиқланган ўсимликни етиштиргани фош бўлиб, жарима жазосига тортилки.



## Дарди бедаво

Ғайратжон ЭҒАМБЕРДИЕВ,  
Бағдод туман прокурори ёрдამчиси

Наша чекишга одатланди-ю, рўзгоридан барака кўтарилди. Чекканида телбасифатга айланиб, маҳаллада, оиласида, фарзандлари қаршисида обрў-эътиборини йўқотди. Ўзи истеъмол қилгани етмаганидек, бировларни ҳам йўлдан уришга, гиёҳванд модданинг бир қисмини бошқаларга сотишга урингани учун яна судланди. Амнистия қўлланиб, озодликдан маҳрум этиш жазосининг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилди. Туман ободонлаштириш қорхонасига ишга жойлаштирилди. Бироқ у бу сафар ҳам ўзининг оёғига болта урди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан гиёҳванд моддаларни ўсимликларни етиштириш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф қилиш бўйича ўтказилган тадбирда С.Тоҳировнинг хонадони ҳам ҳолислар иштирокида

кўздан кечирилди. Афсусланарлиси, у томорқасидаги сабзавот экинлари орасида ўн тўрт тул таркибида гиёҳванд модда бўлган экинни парвартишаётгани аён бўлди. Суд-кимёвий экспертизасининг ҳулосасида ҳам хонадондан олинган ўсимлик намуналари таркибида гиёҳванд моддалари мавжуд "кўкнор" ва "наша" гиёҳванд ўсимликлар туркумига кириши тасдиқланди. Суд-наркологида экспертизаси С.Тоҳировнинг "гиёҳвандлик-нашавандлик" касаллигига чалинган ва мажбурий даволанишга муҳтож эканлиги ҳусусида ҳулоса берди.

С.Тоҳиров айбига тўлиқ иқдор бўлди. Суд ҳукми билан у 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди

## Лоқайд бўлмайлик

Ихтиёр РАҲМОНОВ,  
Ғиждувон туман прокурори

Ғиждувон тумани "Абдулла Қаҳҳор" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ҳамид Зокиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган марихуаннани сотаётганда на виждони ва на юраги қийналди.

Кўл телефонда таниш рақамни кўриб хурсанд бўлган Ҳамид "дори"га харидор топилганини сезди.

— Ало, эшитаман. Ассалому алайкум, Иминжон. Соғ-саломатмисиз, нима хизмат?!

— Бироз, ананидан керак эди.

— Ҳозир ҳеч иложи йўқ-да.

— Бир бало қилмасангиз бўлмайди.

Пулидан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Эшитишим бўйича, "Лайлак" монументининг пастигада бозорда қовун сотадиган бир киши ҳам ўшандан сатаркан.

— Суриштираман.

Айтилган манзилга "разведка" қилиб келган Ҳамид у одамни топди. Буни қараганда, у ҳам бегона эмас, эски танишларидан бири Анвар экан.

— Ўшандан топиб бермасангиз бўлмайди. Бир уқохоним жуда муҳтож, — деди оғир бетоб одамга топилмас дори сўраётган кишидек.

— Майли энди. Сиз сўрагандан кейин йўқ деб бўлармиди...

Анвар "Бойхотин" қишлоғидаги ўзи яшайдиган уйга бориб, бир донга гурут қутини 300 минг сўмга пуллаб, "Агар уч-тўрт қути оладиган бўлсанг, 250 минг сўмдан бераман", деб қўшиб қўйди.

"Харидор топсам, ўзим ҳам фойда кўраман. Буни Иминжонга айтишим керак", деган ўй билан харидорга учрашди. Қўл-қўлни таниб "заҳри қотил" пул алмашилди.

Келишилган жойга марихуаннани келтириб, пулни санаб олган Ҳамид Зокиров ва унинг жиноий шериклари қонун олдида жавобгарликни тамоман унутишган эди.

Жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман судининг ҳукмига биноан жиноятчилар 8 йилга озодликдан маҳрум этилдилар.

Хулоса қиладиган бўлсак, хар қандай ёмонликнинг илдизига болта уриш, хар қандай жиноятнинг олдини олишда, аввало қўни-қўшни, маҳалладагилар, кенг жамоатчилик ҳам томошабин бўлиб қараб турмаслиги шарт. Бинобарин, бугун томорқасида таркибида гиёҳванд моддаси бўлган ўсимликларни экиб, парвариш қилаётган ёки уни имижимиде пуллаётганларнинг ҳам қўни-қўшиниси бор. "Хабарим йўқ эди", дейиш фарқлик, лоқайдликдир.



Ҳар бир инсон ўзидан кейин яхши ном, сояҳ фарзандлар, эзгу амаллар қолдиришни истайди. Мунира (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан Ганишер турмуш қурганида ана шундай покиза орзулар қилган бўлишлари табиий. Аввалига яхши яшашди. Ўғил-қизли бўлишди.

## Ичкилик касосфати

Ҳамро САИДОВ,  
Бухоро вилоят  
прокуратураси бўлим бошлиғи

Онда-сонда ширакайф бўлиб келаётган Ганишер аста-секин спиртли ичимликларга ружу қўйди. Энди рўзгор иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки маънавий томондан ҳам издан чиқа бошлади. Ганишер ичиб келиб аёлини дўппослайдиган одат чиқарди. Бирок Мунира дардини кўчага чиқармади. Эрининг қушқондан чиқиб, кетган кезлари вилоят наркологида диспансерида даволатган пайтлари ҳам бўлди. Аммо иродаси бўш Ганишер Ҳасанов тузалиш йўлини танламади.

2016 йилнинг март ойларида Мунира ўтган ҳаётини ўйлар экан, ўзига сабр сўради. Уйим-жойим дейдиган ўғли, келини борлигидан хурсанд бўлди-ю, эрининг ичиб олиб кўтарган жанжали туфайли келини Наврўзанинг ҳомиласи тушгани, туллари эридан қочиб яшириниб кун кўраётгани, бирида қўли, бошқасида қовурғаси синганини эслаб кўнгли ўқсиди. Мана бугун ҳам аҳвол шу.

— Яна ичиб келдингизми, — дадаси?! —

— Нима эди?! Ичсам, сани пулингга ичибманми? —

— Ҳа-да, ахир майда-чуйда олиб келинг деб берган 50 минг сўм пулни совуриб келдингиз-ку, — дея аёл юм-юм йиғлади.

— Учир овозингни, — дея Ганишер хотинига ташланди. Унинг орқасидан қувиб кирган пайтда Мунира ошхона эшигини ташқаридан ёпишга зўрга улгурди. Ўғлига тезроқ етиб келишини айтиб кўнгирак қилди. Улуғбек холасининг ўғли Нодир билан етиб келди. Онасининг ёнини олаётган ўғли ва жиянини кўрган Ганишер бу вақтда ошхона деразаларини синдириб, ховлига чиқиб олди. "Ҳали мени урмоқчимисанлар. Менга ўзи шу керак эди!" Ошхона пичоги билан хотинига ташланди. Холасини қўқариб қолмоқчи бўлган Нодирнинг қўлларини пичоқ тилиб кетди.

Спиртли ичимлик туфайли янада ваҳшийлашган Ганишер Мунирани ўлдирмоқчи бўлиб, унга ташланди.

Бошидан оғир жароҳатланган Мунира Сайфуллаеванинг ҳаёти шифокорларнинг малакали тиббий муолажалари туфайли сақлаб қолинди.

Суд ҳукмига биноан Ганишер Ҳасанов 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Жонибек ўзининг автомашинасида маҳалладош дўстлари каби киракашлик қилиб, тирикчилик қилар эди. Бир куни ярим тунда киракаш дўстлардан бири Зокир кўнгирак қилиб, "муаммо бор" дея танишини чақиради. Дўст ёрдам керак пайтда биладими, деган гапни шпор қилган Жонибек яна бир киракаш дўстлари Мурад билан учрашиб, унинг машинасида Зокир айтган манзилга етиб боришди.

— Нима гап? — деди Жонибек Зокир билан учрашгач. — Машина бузилдими? —

— Машина эмас, кайфитим бузилди. —

— Нимага? —

— Учта болани миндирувдим, мени аҳмоқ қилиб, пул бермай қочиб кетишди. —

— Йўғ-е, унақаларни топиб эсини киритиб қўйиш керак, — қизишди Жонибек. — Қайси томонга кетди? —

— Ёш болалар, улар шу атрофда. Бирови анави трактор томонга қочди, у ёқда йўл йўқ. Биттасини ушласак, қолганини топардик.

Учласи тахмин қилинган томонга югурди. Кўп ўтмай қоронғида яшириниб турган миҳозлардан бирини топиб, дўппослай ке-

## Зўравон «тарбиячилар»



Озод ҲУСАНОВ,  
Самарқанд вилоят  
прокуратураси бўлим  
прокурори

Бекзод фақат йиғлаб ялинарди. Хилват бир кўчада тўхташди, аламлири босилди шекилли, Бекзодни машинадан туширишди. Яна камига бир-икки мушт туширгач, қўлларини ечиб, телефони қайтариб беришди.

— Биз мардмиз, иккинчи бундай аҳмоқлик қилма, — деб насиҳат қилишди. — Яна бировга айтиб юрма, ўзингга яхши бўлмайди. Тўғри уйингга бор...

Хўрлиги келган Бекзод машинанинг номерини эслаб қолди ва тўғри ички ишлар бўлимига кириб борди... Зўравонларни топиб келишди.

Ҳар ким қилмиши учун қонун олдида жавоб бериши керак. Ҳеч ким бировни ўзича суд қилишга, жазолашга ҳаққи йўқ. Жонибек 3 йилу 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилиб, энг кам иш ҳақининг 80 баравари миқдорда жарима жазосига ҳам тортилди. Шериклари ҳам шу тарзда жазоланди.

оларди. Бекзод фақат кечирим сўрар, урманлар, дея йиғларди. Бекзод чўнтагидан 800 минг сўмлик телефони ва ёнидаги бор пулини чиқариб берди. Лекин таксичилар бунга ҳам қаноат қилишмади:

— Ҳозир сени ўлдириб кетамиз, токи одамлар таксичиларни аҳмоқ қилмайдиган бўлсин...

Кирмоқчи бўлган қабристонларининг дарвозаси кулф экан. Улар Бекзодни кўрkitмоқчи бўлиб, аввал оғзини, кейин қўлларини орқага қилиб скотчлаб ташлашди.

— Энди сени ўлдириб, каналга ташлаб юборамиз, — дея тишларини гижирлатди қасоскорлар.

## Аввал ўз қайнонасини, сўнг...



Норби ая Қарлик қишлоғидаги уйини сотиб, Муборакка қизи Малинанинг олдига келиб, шаҳардан "дом" сотиб олмоқчи эканини айтди. Бироз вақт ўтиб, куёви Шухрат шаҳардаги 6-минтитуманда яхшигина уй сотилаётганини айтиб қолди. Норби ая куёви билан бирга уйни кўриб келишди. Хонадон унга маъқул бўлди. Уй соҳибни Азизбек билан нарҳини келишишди. Ва куёвдан унга ваъда қилинган 18 млн. сўмни бериб юбориб, янги уйга кўчиб кирди.

Бирок Норби аянинг қувончи узокда чўзилмади. Уч ой ўтиб, Азизбек уни уйдан чиқариб юборди. Маълум бўлишича, куёви унга фақат 13 млн. сўм берган, қолган 5 млн. сўмини қайнукаси Россиядан қайтанидан сўнг беришини айтганмиш...

Қайнона куёвининг ёнига югурди. Шухрат мулзам бўлиб, беш миллион сўмни ўзи ишлатиб юборганини тан олди. Ва Азизбекка 400 минг сўм бера олди, холос...

Кузнинг дастлабки ойида Шухрат таниши Раъно Жабборовадан қарз сўраб борди. "Nexia" сотиб олганини, пул уни таъмирлаш учун керак бўлиб қолганини, баҳорда қайтаришини айтди.

Раъно унга 4 млн. 350 минг сўм бериб юборди. Аммо "оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним"ни касб қилган Шухратдан "ҳа" деганда дарак бўлавермади. Тоқати тоқ бўлган Раъно пулини сўраб борганида бетон синиклари, эски музлаткич, товукларни баҳолаб, 530 минг сўмлик нарса ололди, холос...

Шарофат Ўткирова ҳам Шухратга йўлиқиб, жабрдийдага айланганлардан бири. Бухорода ўқиётган ўғли кўнгирак қилиб, пул жўнатишини айтганида у дафъатан шошиб қолди. Одамлардан Шухрат пластик карточкадаги пуллари нақд қилиб бераётганини эшитган Шарофат опа ичиди 1 млн. 457 минг сўм пули бўлган "пластик"ини унга тутказиб юборди. Аммо ваъда қилинган вақтдан анча ўтиб кетди ҳамки, Шухрат пулни келтириб бермади. Сўрай-сўрай аранг 1 млн. 52 минг сўм олди, қолгани эса...

Миришкорлик Одил Шавалиев Шухрат билан Муборакдаги газ қуйиш шохбасида танишиб қолди. Шухрат унга ҳам фириб ўрнини ташлади. "Пластик"и бўлса, фоизсиз нақд қилиб беришини айтди. Янги танишининг гапларига ишонган Одил унга ичиди 1 млн. 400 минг сўм бўлган пластик карточкасини бериб юборди. Орадан икки ҳафта ўтиб, яна ўша жойда учрашди. Шухрат унга 850 минг сўм нақд пул санаб берди. Аммо қолган 550 минг сўм "қулогини ушлаб кетгани" Одилга кейинроқ аён бўлди...

Жаҳонгир Тошмуродов ҳам Шухратнинг лафзига ишониб, доғда қолди. Нақд пул қилиб қайтариш баҳонасида Шухрат ичиди 495 минг сўм пули бўлган пластик карточкасини олиб кетиб, 50 минг сўм пул ва 15 минг сўмга ҳисоблаб беш литр бензин берди, холос...

Жиноят ишлари бўйича Муборак туман судида бўлиб ўтган суд мажлисида Шухрат Мирзаевнинг фирибгарлик фаолияти бирма-бир таҳлил этилди. Икки нафар фарзанднинг отаси бўлган бу одам аввал ҳам жи-

Жасур ТУРСУНОВ,  
Муборак туман прокурорининг ўринбосари  
Норбўта ҒОЗИЕВ,  
"Huquq"

ноят кўчасига кирган, амнистия шарофати билан жазодан озод этилган эди.

Шухрат айбига қисман иқдор бўлиб, қосонлик бир кишидан машина сотиб олганини, пуллари уни тузатиш ишларига сарфлаб юборганини, айни пайтда машина эгаси на машинани, на пуллари қайтарганини баҳона қилди. Аммо суд унга ҳеч бир баҳона жиноятга асос бўла олмаслигини уқдириб қўйди.

Суд Шухрат Мирзаевга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлади. Жабрланувчилар Норби Примкулова, Раъно Жабборовва, Шарофат Ўткирова, Одил Шавалиев ва Жаҳонгир Тошмуродовларга етказилган зарар ундан ундириладиган бўлди.

...Одатда ўзининг моддий масалалари муаммоларига гарқ бўлган айрим боқибегам кимсалар унга ўзлари ечим излаб ўрнига дарҳол танишларидан қарз сўрашни бошлашади. Қарзни қайтариш фурсати келганида, аввал без бўлиб туришади, "икки оёқ бир этика тикланган"да эса, яна қарз олиб, қарз узишади. Кейинги сафар эса қарзини қайтара олмасдан "еб кетар"га ўтиб олишади. "Ўзим чиккан тепа омон бўлса бас" деган бу кимсалар аслида "тепа"да эмас, қарз ботқоқининг ҳоқ ўртасида эканликларини билмай қолишади. Бу ботқоқ эса тобора уни ўз домига тортаверади. Ўртада эса элимиз азал-азалдан қадрлаб келган лафз, субут, ор, оқибат, андиша деган тушунчаларга ҳам пўтур етади. Аввал ўз яқинлари, сўнг таниш-билишларини чўв тушириб, юзи шувил бўлган Шухратнинг қилмиши бунга яққол мисолдир.

Қирчиллама қирқ ёшга кириб, икки марта судланган бўлса-да, Зоҳиджон Умаровнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кўзи очилмади. Тошкент вилоятида яшовчи бу йигитнинг гулдек оиласи, тўрт нафар қоракўз фарзанди бор.

Бирон хунарнинг боши-ни тутиб, рўзгорига ҳалол ризқ олиб келиш ўрнига З.Умаров жиноятга қўл урди. Бировни алдаб, фибригарлик, товламачилик йўли билан осонгина мўъай даромадга эришишни кўзлади. Аммо, чучварани хом санаганини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг қўлига тушиб, қонун таъқибига дучор бўлганидан сўнггина англаб етди.

З.Умаров ўзига аввалдан таниш бўлган Зилола Усмонова

## Қонун таъқибига учради

вани чув туширишни мақсад қилади. У танишининг яқин дугонаси бўлган Лола Абдиевага нисбатан ички ишлар идоралари томонидан жиноят иши қўзғатилганини эшитиб қолади. Бу воқеадан хабар топган З.Умаров отини қамчилашга шошилади. У ўзининг ғаразли мақсадини амалга ошириш учун З.Усмонованинг хузурига бориб, ички ишлар идорасининг тергов бўлимида яқин таниши борлигини, агар "узатса", у билан гаплашиб, дугонасининг ишини бир ёқлик қилиб беришини айтди.

— Акс ҳолда, яқин дугонангиз узок йилга қамалиб кетади, — дейди у З.Усмонованинг юрагига ғулғула солиб.

— Хўп, бунинг учун қанча беришим керак? — сўрайди З.Усмонова хавотирга тушиб.

— Мен тергов бўлимининг бошлиғи билан гаплашдим, — темирни қизигида босишга уринади товламачи. — 20 минг АҚШ доллари берсангиз, дугонангизга енгил жазо тайинлашади ва у тезроқ озодликка чиқади.

Шу тариқа З.Умаров сўхбатдошини алдаб-авраб, унинг ишончига қиради ва пулни олиш кунини белгилаб, қаерда учрашишни келишиб олади.

Бу орада тергов ҳаракатлари мобайнида Л.Абдиевага нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазога ойдинлик киритилади.

**Шахридин ЖАБОБОВ,**  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Тошкент шаҳар бошқармаси  
бўлим катта инспектори

Бироқ, З.Умаров нима қилиб бўлса ҳам катта пул ундиришни кўзларди. Шу мақсадда у ўз жиноий ҳаракатларини давом эттиради.

— Дугонангиз тез кунда озодликка чиқади. Менга тергов бўлимининг бошлиғи айтди, — дейди у.

Аёлнинг кўнглига гумон оралади. Ахир, бу иш ҳеч қандай гап-сўзсиз бўлаётган эди.

— Эшитишимча, иш шундоқ ҳам енгиллашибди, буни дугонангизнинг адвокатидан

эшитдим, — дейди З.Усмонова.

— Текинга мушук офтобга чиқмайди. Мен пул берман деганим учун иш енгиллашди, — деди З.Умаров.

З.Усмонова ўйлай-ўйлай бир қарорга келади ва бўлаётган ишлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилади.

Нафсининг гирдобига фарқ бўлган З.Умаров пойтхтимизнинг Чилонзор туман ҳудудида З.Усмоновадан 20 минг АҚШ долларини олаётганида қўлга тушди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди З.Умаровни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб ва унга нисбатан олти йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукми ўқиди.

Очiq акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банки" Самарқанд минтақавий филиали бошқарувчиси лавозимда ишлаган Ғанишер Маманов бойлик орттиришда жиноят йўлини таналади. Масъуляти лавозимини эгаллаб турганидан фойдаланган Ғ.Маманов банк томонидан тадбиркорларга ажратиётган кредитни қўшимча даромад манбаига айлантиришни режалаштирди.

## «Раҳмат»га битмаган иш

**Эшназар ИСМАТОВ,**  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Самарқанд вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

У банкдан 100 млн. сўм кредит сўраб мурожаат қилган "Фаровон" масъуляти чекланган жамияти раҳбари А.Саломовдан кредит бўлими бошлиғи Н.Мабинов орқали "хизмат"и эвазига 2 млн. сўм беришини талаб қилади. Иложсиз қолган тадбиркор кредит масаласи тезроқ ҳал бўлиши учун тамагир раҳбарнинг талабини бажаришга мажбур бўлади.

Иш осон кечганидан руҳланган Ғ.Маманов жиноий ҳаракатларини давом эттиради. У "Кристал Самарқанд" МЧЖ директори Жалол Исаев ҳамда "Кристал Жомбой строй" хусусий корхонаси директори Олим Рашидовларнинг мурожаатларини ҳам "раҳмат" эвазига ҳал қилиб бергиси келмайди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан сўралаётган 250 млн. сўм кредитни тезда чиқариб бериш учун улардан 4 минг АҚШ доллари миқдоридан пора талаб қилади.

Ноиложликдан тадбиркорлар унинг талабига рози бўлишади. Мўмай пул илнжиди бўлган банк раҳбари эса, мазкур ишни тезроқ битириб, пулни қўлга кириштириш учун кредит ажратиш ҳақидаги ариза асосида чақирилиши лозим бўлган кредит комиссияси йиғилишини ҳам ўтказмайди, ўёки йиғилиш ўтказилганлиги ҳақидаги сохта баённомага асосис маълумот ва ёзувлар киритади ва қўл остидаги ходимларга ушбу ҳужжати имзолаш тўғрисида топшириқ беради. Хуллас, у "Кристал Самарқанд" МЧЖнинг қоникарли молиявий аҳолини тасдиқловчи аудиторлик ташкилоти хулосаси ҳамда қафолат шартномасини имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса-да, унинг раҳбари билан қонуний шартномани расмийлаштиради ва талаб қилинган пулнинг бир қисмини олади. Пулнинг қолган қисмини олишга қўйналган Ғ.Маманов ҳеч қандай асосис, кредит суммасининг 26 млн. 500 минг сўминини бошқа МЧЖнинг ҳисобига нақдлаштириб, кейинчалик ўзига қайтариш шартни билан ўтказиб беради. Табиийки, О.Рашидов ҳамда Ж.Исаевлар мазкур ҳолат юзасидан норозилик билдиришади.

Олган кредит пулларининг бир қисми талон-торж бўлиб кетган тадбиркорлар 250 млн. сўм маблағнинг асосий қисмини белгиланган муддатда тўлай олишмайди. Ушбу вазиятдан х.Ғ.Маманов ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади. Яъни у кредит маблағлари эвазига тадбиркорлик субъектлари томонидан гаров сифатида қўйилган мол-мулкни қонуний йўллар билан сотиб, катта даромад қилишга уринади. Аммо Ғ.Маманов ушбу ғаразли мақсадини охирига етказолмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан олиб борилган тергов-суриштирув ишлари натижасида тамагир раҳбарнинг барча жиноятлари фош этилди. Суд Ғ.Мамановга нисбатан жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди. Суд ҳукмига қўра у 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Давлат мулкига қўз олайтирган унинг ҳамтовоклари ҳам қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилди.

## «Ҳожатбарор» фибригар

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш, соҳани ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида тегишли қонун ва ҳужжатлар қабул қилиниб, бу боралда сезиларли ишлар амалга ошириб келинмоқда.



**Маъруфжон АБДУРАҲИМОВ,**  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Сурхондарё вилояти  
бошқармаси катта инспектори

маган ва туман ҳокимлиги балансида турган "Маиший хизмат кўрсатиш ва сервис" биносини олиб беришга ва бу бўйича туман ҳокимининг қарорини чиқариб беришни ваъда қилиб, ундан 500 минг сўм пулни фибригарлик йўли билан олади. Маблағни қўлга киритган бу кимса, тезда ваъдасини унутди.

Тадбиркорнинг аризаси асосида ўтказилган тадбирда "ҳожатбарор" фибригарнинг қилмиши фош этилди ва жиноят ишлари бўйича туман судининг ҳукми билан У.Бобожоновага нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Шунга қарамадан айрим ҳолларда баъзи мутасадди идора ходимлари ўзларининг манфаатларини кўзлаб, тадбиркорларнинг қонун билан қўриланидиган ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказаятганликларни ачинарли ҳол.

Жумладан, департаментнинг Сарийоси туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда туман ҳокимлиги бош мутахассиси У.Бобожонов тадбиркор У.Усмоновга ҳудуддаги "Шахрообод" маҳалласида жойлашган, қурилиши тугаллан-

## Эр-хотиннинг аттанги

**Илҳомжон ШАМИРБАЕВ,**  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Поп тумани бўлими бошлиғи



Нафс нағмаси ёмон. У ўз измидаги кимсаларни турфа йўллар сари етаклайверади. Нафс қўлига айланганлар назидида уларнинг қилмиши "турмуш ташиши" деб аталса-да, қонун тилида жиноят деб юрйтилади. Бироқ буни улар, қачонки, бошқари тошга урилган англаб етдилар. Чустлик Музаффар Маҳкамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундайлардан экан.

Аслида унинг кўзи аллақачон очилган бўлиши керак эди. Бойси, бундан бир неча йил муқаддам жиноий қилмиши туфайли судланиб, у йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилган, кейингисиде эса жарима жазосига тортилган.

"Ўрганган кўнгил" қўймади чоғи, у яна жиноят кўчасини танлади. Бу гал бир ўзи эмас, тўрт нафар фарзандлари тарбияси билан шуғулланиётган турмуш ўртоғини ҳам шу жирканч йўлга етаклади.

Эрининг "қора бозор"дан даста-даста пул билан қайтиши Мастура Маҳкамованинг ҳам хаёлини ўғирлади. Чуст тумани марказидаги "Деҳқон бозори" ҳудудида валюта олди-сотдиси билан шуғулланиш тақлифига "жон" деб рози бўлди.

Аввал-бошда аёл бироз кўрқиб юрди. Бироқ эрининг анчайин сўзамоллиги, ён-атрофдагиларга қўрмай: "Доллар оламиз", "Доллар алмаштирамиз", дея харидор қақиринини кузатар экан, у ҳам дадиллашди. Хатто орадан бир мунча вақт ўтгач, эридан ҳам устомон бўлиб кетди.

Қўза кунда синиши бор гап. Бу нақлнинг ма-

зини эр-хотин Маҳкамовлар ишлари "гуркираб" турган кезлари чакмаган бўлсалар-да, бугун яхши англаб олишди.

Хуллас, тушга яқин Музаффарнинг ёнида бир йигит пайдо бўлди.

— Ака, менга кўпроқ доллар керак эди, ёрдам бероласизми? — сўради нотаниш йигит.

— Бўлмаса-чи! — Музаффар унинг илтимосини мамнуният билан қабул қилди. Нега ҳам севинмасин, ахир унинг илтимосини бажарса, яхшигина фойда қолади. — Қанча керак ўзи?

— 10 минг доллар жуда зарур, — деди йигит жиддий қиёфада. — Фақат... пулим уйда. Биласиз-ку, шунча пулни кўчада кўтариб юриб бўлмаса...

Музаффар уни сал нарида "савад" билан банд хотинининг ёнига бошлаб борди. Тайинки, бу таклифга Мастура ҳам осонгина рози бўлди.

— Бугун 5 минг доллар олиб борамиз, қолганини эртага гаплашамиз.

Йигит нарҳга ва шартга кўнди. Улар кечки пайт Поп туманидаги маҳаллалардан бирида учрашишга келишиб, хайрлашишди.

Айтилган манзилга етиб келган эр-хотин йигитнинг уяли телефонига кўнғироқ қилишди.

— Биз келдик!

Дам ўтмай йигит остонада пайдо бўлди ва уларни ховлига таклиф қилди. У целлофанга ўралган пуллари ичкаридан олиб чиқиб берди, эр-хотин санаб олишди. Сўнгра Мастура сумкасидаги 5 минг АҚШ долларини йигитга узатди.

Эр-хотин нима бўлаётганини англашди-ю, тошдек қотишди. Қаршиларида пайдо бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг саволларига узуқ-юлуқ жавоб қайтаришар экан, "қўза синганини" англаб етишди.

Суд эр-хотин Маҳкамовларнинг "қора бозор"даги мазкур фаолиятини муҳокама қилиб, уларга қонун бўйича тегишли жазо тайинлади.



## Аёллар Осиё чемпионатида

Футбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоасининг ёшлари (U19) саралаш босқичидан муваффақиятли ўтиб, Осиё чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида ўтган саралаш босқичининг дастлабки 2 та ўйинида вакилларимиз Тожикистон ва Гонконг терма жамоаларини бир хил — 3:0 ҳисобида мағлуб этди ва Хитой Тайпейга қарши ўйинда ҳам омад вакилларимиз томонида бўлди. Гурӯҳдаги ягона йўлланма учун жамоамизни фақат галаба қаноатлантирар эди. 19 ёшли қизларимиз баҳснинг 27-дақиқасида пенальтидан гол уриб, кучли рақибни мағлубиятга уратди.

Шу тариқа, ушбу саралаш гурӯҳидан ягона йўлланмани ўзбекистонлик қизлар қўлга киритишди. Ўзбекистон (U19) аёллар терма жамоаси ўз тарихида илк марта Осиё чемпионатида иштирок этади. Финал босқичи келаси йили Хитойда бўлиб ўтади.



## Ютуқ учун мукофот пули

Маълумки, шу йилнинг 15 ноябрь кuni футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Сеул шаҳрида Жанубий Корея чарм тўпчиларига қарши Россияда бўлиб ўталган Жаҳон чемпионати — 2018 мусобақасининг саралаш баҳсида майдонга тушади.

Бу ўйиннинг қийматини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳар бир йўқотилган очко яқинда қимматга тулиши мумкин. Шу боис ҳам баҳсда икки терма жамоа бор кучини бериб ўйнаши кутилмоқда. Жанубий Корея матбуот нашрларида миллий терма жамоаларининг ўзбекистонлик футболчиларга қарши ўйини борасидаги мақолалари билан чиқишлар қилиб турибди.

Маҳаллий нашрларнинг таъкидлашича, мамлакат футбол федерацияси шу йилнинг 15 ноябридаги Жанубий Кореянинг терма жамоасига қарши ўйини ва келаси йилнинг 23 март кундаги Хитойга қарши сафар баҳсларида ютуқ учун ҳар бир футболчига мукофот пуллари ваъда қилган. Яъни, корейлик чарм тўпчиларга навбатдаги икки ўйинда олти очко йиғиш вазифаси қўйилган. Ўз навбатида футболчилар ҳам бу икки ўйинни ўз фойдаларига ҳал этишга ваъда беришган. Бундан ташқари, маҳаллий матбуот Корея термасининг охириги ўйинларини кескин танқид олмаган.

Корея терма жамоа бош мураббийи Ули Штиликенинг таъкидлашича, жамоа ҳимоя чизигида муаммолар бор. Германиялик мутахассис ушбу муаммоларни бартараф этиш йўлини топан. "Тўпни яхши назорат қилган ҳолда ҳужумкор ўйин кўрсатганимизда, ҳимоямизда ҳеч қандай муаммолар кўзга ташланмаган эди. Ҳужум қилаётганимизда аниқ узатмалар бера олмасак, ҳимояда муаммолар юзага келади. Тўпни яхши назорат қиладиган жамоа рақибини босимда ушлаб туради. Агар тўпни назоратимизда ушлаб тура олсак, хавфли вазиятларни ҳам ярата оламиз", — дейди Штилик.

Оммавий ахборот воситалари мураббийнинг ушбу гапларини келтирар экан, Корея терма жамоаси Ўзбекистон терма жамоасига қарши учрашувда ҳужумкор ўйин намойиш этишини таъкидлашган.

Эслатиб ўтамиз, саралашнинг сўнгги босқичи доирасида корейликлар 4 та ўйин ўтказишди. Улар ўз уйларида Хитой ва Қатар устидан галаба қозongan бўлсалар, Эронга қарши ўйинда мағлубиятга учрашган ва Сурия билан баҳсда дуранг натижа қайд этишган. Айни вақтда Жанубий Корея 7 очко билан гурӯҳда 3-ўринни эгаллаб турибди.

## Япония ёшлари Осиё чемпиони бўлди

Футбол бўйича ёшлар (U19) ўртасидаги Баҳрайнда бўлиб ўтган Осиё чемпионати якуналанди.



Финалда Япония терма жамоаси Саудия Арабистони ёшларини пенальтилар сериясида мағлуб этиб, ўз тарихида илк марта бош совринни қўлга киритди.

Қизиги шундаки, Япония ёшларининг дарвозабони Риосуке Кодзима чемпионатда ўтказилган 7 та, саралаш мусобақасини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, жами 10 та ўйинда ўз дарвозасидан бирорта гол ўтказиб юбормади.

"Менинг вазифам — ўз дарвозам дахлсизлигини сақлаб қолиш. Шунинг учун ҳам эришган натижамдан хурсандман. Ўз навбатида бунга эришимиз учун жамоадoshларим ҳам ёрдам берганини таъкидламоқчиман. Уларнинг ҳар бири ҳимоянинг мустаҳкам бўлишига ўз ҳиссасини қўшган" — деди Р.Кодзима.

## Гвардиола таклифни рад этган

Ҳозирда "Манчестер Сити" жамоаси бош мураббийи сифатида ишлаётган Хосеп Гвардиоланинг фаолиятини китоб қилиб ёзган Марти Перарна мураббийнинг бир сирини ошкор этган. Яъни, ўтган мавсумда Мадриднинг "Реал" клуби ушбу мутахассисни ишга таклиф қилгани ҳақида маълумот берган.

Унинг айтишича, мадридликлар раҳбарияти Рафаэль Бенитеснинг ўрнига аввалгига Хосеп Гвардиолани олиб келмоқчи бўлишган.

"Бенитеснинг "Реал"да қолмаслиги аниқ бўлганида, улар Пеп билан қизиқилган. Шу вақтда Гвардиола ҳам "Барвария"дан кетиш ҳаракатига тушган эди. Қироллик клуб вакиллари Гвардиолага бу ҳақда маълум қилишган, аммо у "Манчестер Сити" билан келишиб қўйгани ва бошқа ҳеч қандай таклифни қўриб чиқмаслигини айтган", — деб таъкидлаган китобда. Эслатиб ўтамиз, Р.Бенитес "Реал"дан 2016 йилнинг 4 январида истеъфого чиқарилди ва унинг ўрнига шу куннинг ўзидаёқ Зайнидин Зидан жамоа бош мураббийи сифатида таништирилди.




## Кубок дизайнери оламдан ўтди

Жаҳон чемпионатида голиб чиққан терма жамоага топширилаётган кубокнинг дизайнери, италиялик ҳайкалтарош Сильвио Гашанья 95 ёшида оламдан ўтди, деб хабар бермоқда "Gazzetta dello Sport" нашри.

С.Гашанья Милан шаҳрининг фахрий фуқароси саналади. У спорт оламидаги жуда кўп совринларнинг дизайнини яратган.

Эслатиб ўтамиз, ФИФА мазкур Жаҳон кубогини 1974 йилдан буён чемпионат голибига топшириб келади. Унинг баландлиги 36,8 см, 18 каратли олтиндан ясалган, оғирлиги 6,175 кг.

## «Вольфсбург» мураббий изламоқда



Таниқли футбол мураббийларидан бири Андре Виллаш-Боаш "Вольфсбург" бош мураббийи бўлиш учун давъогар бўлиб турибди.

Немис клуби вакиллари португалиялик мутахассис билан музокара олиб борган. Шунингдек, "Вольфсбург" Марк Вильмотс номзоди-

ни ҳам кўриб чиқмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Виллаш-Боаш ўтган йили Россиянинг "Зенит" клубини тарк этганидан буён ишсиз юрибди. Вильмотс эса шу йил ёзда Бельгия терма жамоасини тарк этган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Пискент туман прокурорининг ўринбосари Э.Вахидовга падари бузруквори

**Журсун отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қашқаларё вилоят прокуратураси жамоаси Қарши шаҳар прокуратураси катта терговчиси Музаффар Абжалиловга акаси

**Мукторжон АБЖАЛИЛОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Қашқаларё вилоят прокуратураси жамоаси Деҳқонобод туман прокурорининг ёрдамчиси Абдували Аблакуловга опаси

**Рухсат ОБЛАКУЛОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Наманган вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Абдулхай Қаҳҳаровга волидаи муҳтарамаси

**Жўраҳон МАМАТХОНОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Наманган вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Сурмаҳон Султановага падари бузруквори

**Элбек СУЛТАНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Huquq**  
yuridik gazeta  
Muassis:  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir:  
**Jahongir MAKUMOV**  
Tahrir hay'ati:  
Hakimboy HALIMOV  
Gulnoza RAHIMOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul ko'ib)

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85  
E-mail:  
huquq@huquq-gazeta.uz  
Gazeta haftaniga payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatiда gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
□ — tijorat materiallari.  
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.  
Nashr ko'rsatkichi  
**231**  
Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonа manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Buyurtma s-7395. 37 917 nusxada bosildi.  
Qoq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahlalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV  
Navbatchi: O'.DEHQONOV  
Bosmaxonada topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
ISSN 2010-7617  
9 772010 761004